https://interscience.uz/
ISSN 2181-1709 (P)
ISSN 2181-1717 (E)
SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 6

# ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

# ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

# EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЖУРНАЛ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND METHODICAL JOURNAL

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР**
**ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**
**EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**

***№ 6, 2022***
***июнь***

Муассис:
Бухоро давлат университети
Фан ва таълим МЧЖ

Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Хамидов Обиджон Хафизович,
Бухоро давлат университети ректори

Таҳририят кенгаши раиси:
Махмудов Мэлс Ҳасанович

Масъул котиб: Акрамова Гулбаҳор Ренатовна

Техник мухаррир: Давронов Исмоил Эргашевич

Таҳририят манзили:
Бухоро шаҳар,
Қ.Муртазоев кўчаси, 16-уй

Телефон:
+998(90)744-00-22

E-mail:
eirjurnal2020@gmail.com

Журналнинг электрон сайти:
www.interscience.uz

Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар руйхатига киритилган

Босишга рухсат этилди: 15.06.2022 й.
Қоғоз бичими 60х84 1/8. б/т.12,5.
Буюртма рақами 12
«FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар

Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган

Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журналидан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади

Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир


| | |
|---|---|
| **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ** | |
| Ибрагимов Ф. Ўрта асрларда “Тиб қонунлари”га қисқартмалар ёзиш амалиёти | 7 |
| Beshimov M K. Munzim zamondoshi ayniy xotiralarida | 14 |
| Юсупова М Ў Бухоро воҳаси маросимларида пишириладиган таомлар ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида | 17 |
| Абдурахманов А Ю 1960-1980-йилларда Сурхондарё вилояти қишлоқлари аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш фаолияти | 22 |
| Nasilloyev S. Sh. N. V. Xanikov tadqiqotlarida Buxoro tarixiy-me’moriy yodgorliklari ro’yxatining shakllantirilishi. | 30 |
| **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ** | |
| Бабаева Ш. Б. Основные приёмы формирования метода моделирования синтаксических понятий на уроках родного языка | 38 |
| Шербекова Г. Я. Бухоро никоҳ тўйи олқишлари | 44 |
| Бекназарова Галина Время и пространство в творчестве русских писателей фантастов XX века | 49 |
| Эшанкулова А. Х., Тухтарова А. Ф. Эстетические взгляды и поэтика произведений Алексея Варламова | 53 |
| Ishonxanova I. A. O‘rta umumta’lim maktablarida alisher navoiy epik asarlarini o‘rganishga innovatsion yondashuv | 57 |
| Жумаева Ф. Р. История изучения перехода частей речи в трудах узбекских учёных | 61 |
| Khaydarova I. A., Allayarova D. K. Phonetic regulations of the modern russian language | 67 |
| Ибрагимов Х. Ҳ. Бадиий матнда градуонимларнинг ўрни (Тўра Сулаймон ижоди мисолида) | 71 |
| **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ** | |
| Чориев Р. К. Профессионал таълим мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси | 75 |
| Baymuratova I. learning problems of medical informatics | 79 |
| Махсудов П.М. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиси ва устасини касбий фаолиятга тайёрловга инновацион ёндашув | 83 |
| Махмудов В. В. Ёш футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш | 87 |

| | |
|---|---|
| Маматалиева М. И. Махсус фанларни ўқитишда талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш методикаси | 90 |
| Хашимова М. К. Организация самостоятельной деятельности студентов профессионального образования | 93 |
| Салимова С Ф. Бўлажак биология ўқитувчилари касбий компетенциялари шаклланганлик даражасини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари | 102 |
| Норқобилов М. Н. Спортчи талабаларнинг даврида махсус жисмоний тайёргарликларини ошириш | 108 |
| Жуманов А. А. Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш | 112 |
| Комилова М. О. Становление и развитие смешанного обучения | 116 |
| Каюмов О. А. Интерактив интеллектуал электрон таълим ресурсини яратиш модели | 119 |
| Dilova N.G. Uzliksiz ta'lim-tarbiya jarayonida shaxslararo munosabatni shakllantirishning tarixiy taraqqiyoti | 125 |
| Amirqulov X. Q. Talabalarning grafik savodxonligini rivojlantirishda animatsion videoroliklarning roli | 135 |
| Шукуров Х. Г. Математика фанини ўқитишда ноаньанавий таьлим ёндашувлари | 139 |
| Шомуродов Ш. Ш. Масофавий таълим муҳитида бўлажак менежерларда ахборот компетентликни шакллантиришнинг педагогик шароитлари | 144 |
| Fatullayeva M. A., Baqoyeva D. B. Voleybolchilarni saralab olish va malakali sportchilarni tayyorlashning o'ziga xos yo'llari | 150 |
| Мукумова Д. И., Ярова С. Б. Инновацион ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш муаммолари | 155 |
| Исканджанова Ф.К. Методология повышения профессионально-педагогической и информационной компетентности врача-педагога | 159 |
| Исмаилова З. К., Маматалиев А. М. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишнинг илмий асослари | 163 |
| Химматалиев Д. О., Жўраева Г. А.Талабаларнинг ижодий қобилиятининг такомиллаштиришнинг мавжуд ҳолатлари | 167 |
| Рахимов О. Д. Мустақил таълимни рақамли технологиялар асосида ташкил этиш технологияси | 171 |
| Холбўтаева Д.У.Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш ижтимоий педагогик зарурият сифатида | 178 |
| Махмудов Ю. Б. Ўқувчилар орасидаги шахслараро қадриятли муносабатларнинг педагогик тавсифи | 182 |
| Олимов С. А. Педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотида методик ишларни ташкил қилиш, бошқариш ва мониторингини юритиш | 186 |
| Eliboeva L.S. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kasbiy mahoratini uzluksiz oshirish | 190 |
| Jurayev B. T., G'aybullayeva M. H. O'zaro darslarni tahlil qilish kasbiy mahoratni oshirishning vositasi sifatida | 194 |
| Odilova M. Oliy o'quv yurtlarida talabalarning mustaqil ta'lim jarayonini tashkil qilishda gat texnologiyalaridan foydalanish muammolari | 198 |
| Ажиева М. Б., Айтмуратова Д. К., Ажиева Б. А. «Галогенлар» мавзусини ўқитишда дидактик материаллардан фойдаланиш | 202 |
| Сиддиков З. Х., Матгазиев Х. М. О знакомления учащихся с методами математического моделирования | 206 |
| G'ulomov J. B. Zamonaviy ta`lim sharoitida otm talabalarida mas`uliyat ko`nikmalarini rivojlantirish texnologiyalari o`rni (masofaviy ta`lim misoliida) | 214 |
| Nazarov A. A. Turkiston maktablarining tashkil etilishida jadidchilik harakati, xotin-qizlar ta`limi ahamiyati (XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlari) | 219 |
| Ширматов С. Т. Шахслараро муносабатни самарали ташкил этишда волонтёрлик ҳаракатларининг роли | 224 |

| 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ | |
|---|---|
| Zlyvkov V. L. Integrative possibilities of eclectism in the context of the opposition of scientific and humanistic approaches | 228 |
| Усманова М. Н. Роль внимания в регуляции интеллектуальной активности младших школьников | 234 |
| Lukomskaya S. A. The phenomenon of integration-disintegration in the dimensions of dialectics of modern psychological science | 244 |
| Останов Ш. Ш. Психологияда креативлик масаласининг назарий таҳлили | 250 |
| Назаров А. М. Показатели психологической устойчивости личности студента в образовательной среде ВУЗа | 254 |
| Ражабов М. Ж., Ражабова Х. Х. Манипуляция турлари ва одамларда репрезентатив тизимнинг ифодаланиши | 258 |
| Ганжиев Ф. Ф. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилари касбий компетентлигини тадқиқ қилиш услуби | 263 |
| Солиев Ф. С. Репрезентатив тизим ёрдамида суҳбатдош психотипини аниқлашнинг адекват оператив модели | 271 |
| Киличев А. А. Концепт «женщина» ва фразеологизмах узбекского и русского языков в контексте аспектов лингвокультурологии | 278 |
| Djalolova M. A., Mamajonova Sh. K. O'smirlar xulqida nomoyishkorlik g'ayratlilik xususiyatlari tadqiq etish metodologiyasi | 283 |
| Мелиев Г. О. Бўлажак офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини шакллантириш масалалари таклиф ва тавсиялар | 289 |
| Тилавов М. Х. Талабаларда альтруизм шаклланишининг психологик хусусиятлари | 293 |
| Shermatov F. T. Harbiy rahbarligiga nomzod kadrlarning kasb professiogrammasini yaratishning ilmiy asoslari | 301 |
| Ismatova D. T. O'smirlardagi emotsional zo'riqishlar muammosining nazariy asoslari | 307 |
| Садикова Ф. М. Ўқитувчининг ижодий фаолиятини олиб боришда зарурий компетенциялар мазмуни | 312 |
| Jumayev N. Z. Talaba yoshlarda agressiv xulq-atvorning namoyon bo'lishining ijtimoiy-psixogik mexanizmlari | 316 |
| A'zamova M. A. Masofaviy ta'limda ta'limning integrativ va differensial yondashuvning psixologik ahamiyati | 319 |
| Sobirov A. A. Zamonaviy maktab o'quvchilarining ta'lim jarayonida psixologik salomatligi | 323 |
| Худойқулова Г. Б. Ўқувчилар гуруҳларида шахслараро фаоллик мотивациясини шакллантиришнинг психологик механизмлари | 330 |
| Ro'ziev U. M. Xavotirli bolalar, ijtimoiy fobiya namoyon etilishining o'ziga xos xususiyatlari | 337 |
| Ахмадов Н. Р. Ўсмирлар гуруҳида психологик муҳофаза мезонларини тадқиқ қилишнинг амалий -методик асослари | 344 |
| Рустамов Ш. Ш. Амалиётчи психологларнинг касбий компетентлик омилларини ўрганишнинг методологик асослари | 350 |
| Хакимова Ф. Х. Идентификация факторов семейных разводов и пути их предотвращения | 354 |
| Ғайбуллаев А. А. Спортчиларда казусли вазиятларда ҳиссий- иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари | 358 |
| Каримжанова Ё. У. ОИВ инфекциясини ривожланиши ва унинг инсонлар эмоционал ҳолатларига таъсири | 363 |
| Ходжанов А.Р. Курашчиларни мусобақаларга психологик тайёрлашнинг ўзига хос йўллари ва мусобақага психологик тайёргарлик жараёнининг хусусиятлари | 368 |
| Омонов Ш. И. Рекламани идрок қилишда шахс ижтимоий установка компанентларининг таъсири | 372 |
| Тожиева Р.Қ. Маҳаллалар билан ишлаш оилаларга психологик хизмат | 376 |
| Kurbanov I. Kh. Conflicts of collision of views of the modern state, manifesting in innovative personality | 381 |

# БУХОРО ВОҲАСИ МАРОСИМЛАРИДА ПИШИРИЛАДИГАН ТАОМЛАР ВА УЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

*Юсупова Манзура Ўктамовна*
*Бухоро давлат университети*
*жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси*

*Аннотация. Бухоро воҳаси аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган ўзбек ва тожиклар, туркий ва форс тожик тилларида гапирувчи этнослар ва этник гуруҳларнинг ўзаро узоқ давом этган этник ва маданий алоқалари натижасида шаклланган. Бизга маълумки, дунёдаги ҳар бир тараққий этган маданиятли халқнинг ўз тили, урф – одати, адабиёти, осори – атиқалари, анъанавий, моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимги маданий халқлардан бири сифатида мана шундай хазинага эгадир. Халқимизнинг анъанавий удумлари, урф – одат ва маросимлари ниҳоятда бой, кўп қиррали ва сермазмун бўлиб, уларнинг кўпларига мустақилликка эришганимиздан сўнг қайта ҳаёт бағишланди, ҳамда ўрганишга, ривожлантиришга катта эътибор берилди.*

*Таянч сўзлар: урф – одат, қадрият, ҳайит, фотиҳа,чимилдиқ, мавсумий маросимлар, кўп таомли маросимлар, бир таомли маросимлар, гап-гаштаклардаги таомлар, қатлама*

# О БЛЮДАХ, ПРИГОТОВЛЕННЫХ НА ОБРЯДАХ БУХАРСКОГО ОАЗИСА, И ИХ ЗНАЧЕНИИ В НАШИ ДНИ

*Юсупова Манзура Ўктамовна*
*Бухарский государственный университет*
*старший преподаватель кафедры «Всемирная история»*

*Аннотация: Бухарский оазис образовался в результате давних этнокультурных связей между узбеками и таджиками, тюркоязычными и ираноязычными этносами, этносами, составляющими большинство населения.Мы знаем, что каждая развитая цивилизованная нация в мире имеет свой язык, обычаи, литературу, артефакты, традиционные, материальные и духовные богатства. У узбекского народа, как у одного из древнейших культурных народов мира, есть такое сокровище. Традиционные обычаи, традиции и обряды нашего народа чрезвычайно богаты, многогранны и содержательны, и многие из них были возрождены со времен обретения независимости, а их изучению и развитию уделяется большое внимание.*

*Ключевые слова: обычай, значение, хайит, фатиха (помолвка), чимильдык, сезонные обряды, многоблюдные обряды, одноблюдные обряды, трапезы на посиделовках, слоенны*

# ON THE DISHES COOKED AT THE CEREMONIES OF THE BUKHARA OASIS AND THEIR SIGNIFICANCE TODAY

*Yusupova Manzura Uktamovna*
*Bukhara state university, Senior*
*Lecturer of Department "World history"*

*Annotation: The Bukhara oasis was formed as a result of long-standing ethno-cultural ties between Uzbeks and Tajiks, Turkic-speaking and Iranian-speaking ethnic groups, ethnic groups that make up the majority of the population. We know that every developed civilized nation in the world has its own language, customs, literature, artifacts, traditional, material and spiritual wealth. The Uzbek people,*

*as one of the most ancient cultural peoples of the world, has such a treasure. The traditional customs, traditions and rituals of our people are extremely rich, multifaceted and meaningful, and many of them have been revived since independence, and much attention is paid to their study and development.*

*Key words: custom, meaning, hayit, fatiha (engagement), chimildyk, seasonal rituals, multi-observer rituals, one-observer rituals, meals at gatherings, puff pastry*

Бухоро воҳаси аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган ўзбек ва тожиклар, туркий ва форс тожик тилларида гапирувчи этнослар ва этник гуруҳларнинг ўзаро узоқ давом этган этник ва маданий алоқалари натижасида шаклланган. Бизга маълумки, дунёдаги ҳар бир тараққий этган маданиятли халқнинг ўз тили, урф – одати, адабиёти, осори – атиқалари, анъанавий, моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимги маданий халқлардан бири сифатида мана шундай хазинага эгадир. Халқимизнинг анъанавий удумлари, урф – одат ва маросимлари ниҳоятда бой, кўп қиррали ва сермазмун бўлиб, уларнинг кўпларига мустақилликка эришганимиздан сўнг қайта ҳаёт бағишланди, ҳамда ўрганишга, ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бухоро воҳасида олиб борилаётган дала тадқиқотлари натижасида Бухоро воҳаси аҳолиси томонидан маросимларнинг ўтказилиши, маросимларда пишириладиган таомларнинг пишириш усуллари, хусусиятлири, қўлланилиши, мифалогияси тўғрисида маълумотлар тўплашга киришилди. Бухоро воҳаси этногриф олимлари А.Ш.Жумаев, М.Б.Қурбоновалар ҳамкорлигида маросимларни ўрганиш борасида кенг қамровли ишлар йўлга қўйилди.

Илмий тадқиқотлар, изланишлар натижаси этногриф олимлар томонидан қуйидагича таҳлил қилинди, хулосаланди ва инсон умри даво¬мида унга ҳамроҳлик қилиб келувчи оилавий маросимларни ўрганиш жараёнида шартли равишда еттита турга (“оёқ боғлаш” (илк қадам қўйган боланинг оёғини боғлаб, ота – онаси томонидан ўтказиш мажбур қилинган маросим) ажратилди. Бу маросим воҳанинг турли ерларида турлича тартибда ўтказилган ва “бешик тўйи”, “суннат тўйи”, “мучал тўйи”, “никоҳ тўйи маросимлари”, “мотам маросимлари” га ажратилган. Воҳада азал – азалдан қуда – анда ришталари “Қудачилик минг йилчилик” деганларидек фар¬занд кўриш билан мустаҳкамланган. Зеро фарзанд оилани мустаҳкамлайди ва унинг таянчи ҳисобланади. Янги меҳмон дунёга келиши билан янги бахт, янги орзу – умидлар қурилиб, эл – улус, қавм – қариндошлар ҳамжиҳатлигида кенг байрамона кайфиятда тантана қилиниб, тўй маросими тарзида ўтказилган.

Ҳар бир халқ ўзининг маросимлари ва бу маросимлар пишириладиган хилма хил таомлари билан бир бирдан ажралиб туради. Бухоро воҳасида энг кўп таомлар дон ва донли маҳсулотлардан тайёрланган. Бунда тегирмонлар муҳим аҳамият касб этган. Арпа ун, жўхори ун, буғдой ун, маккажўхори унларидан нон ва турли хилдаги хамирли таомлар тайёрланган бўлса, мош, ловия, гуруч, нўхатларсиз таомларни тасаввур ҳам этиб бўлмаган. Бу борада этногриф олим Аҳмаджон Аширов ўзининг “Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари” асарида тўхталиб ўтган бўлиб, “Ҳар бир халқнинг бошқасидан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири унинг маросимлари” эканлигини таъкидлаб ўтган. Маросим инсон ҳаётида моддий ва маънавий талаб ва эҳтиёж орқали юзага келадиган ижтимоий ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди.

Бухоро ваҳасида ҳам турли туман маросимлар ва таомлар мавжуд бўлиб,

улар асрлар, йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган ва воҳа ахолисининг анъанавий маросимий таомлари икки турга бўлинади:

1. Бир таомли маросимлар – бундай таом кўпинча хатми қуръон, мотам маросимида пиширилган. Когон тумани Жанафар қишлоғида яшовчи Хасанова Нозик буви берган ахбортларига кўра: 1940-70 йилларда одамларда шароит анча оғир бўлган бўлиб, таом пиширишга ҳам одамларнинг қўли калталик қилган ва ўтказиладиган маросимларга ҳам битта таом пиширилган. Менинг никоҳ тўйим ҳам шундай қийинчилик пайтида ўтказилган ва “Нонкабоб” пиширилган. Қўй суйиш қаерда дейсиз, одамлар бир бурда нонга ҳам рози бўлганлар. Нонкабобга картошка бўлмаганлиги учун шолғом солинган.

2. Кўп таомли маросимлар. Бу таомлар мавсумий маросимларда, тўй маросимларида ва турли хилдаги кўнгилочар маросимлар (гап, гаштак, туғилган кун)да пиширилган ва витаминларга бой, қувват берувчи, лаззатли таомлар бўлиб, шунингдек, даволовчи, парҳез таомлари сирасига ҳам киради.

Пишириладиган таомлар мифалогик хусусиятга эга бўлиб, воҳа аҳолиси таомга солаётган ҳар бир масалликқа алоҳида эътибор қаратган. Маросим бошлангандан то тугагунга қадар нон етакчи ўринда бўлган.

Воҳада нон ва патирларнинг ўнлаб хиллари тайёрланган, жумладан, кўпкан нон(оширма нон), ширмой нон, кунжутли нон, жиззали нон, қайирма нон, седанали нон, товатош нон, кумач нон, пиёзли нон, кадили нон, патир, қатпатир, қурқц патир (тот патир), сутли патир, жиззали (жиззиқли) патир,қийма патир, кўк патир, қозон патир, қотирма, қатлама каби кўплаб турлари тайёрланган. Шунингдек, воҳада жўхори унидан зоғора нон, арпа унидан арпа нон, тариқ унидан тариқ (Воҳада хамиртурушга қилингаи нон “кўпкан” нон дейилади. Бухоро ва Самарканд вилоятлари баъзи туманларида кўпкан нон “оширма нон” деб аталади.) нон, тариқ зоғора ҳамда қурғоқчилик келган йилларда кепакдан кепак нон истеъмол қилишган. Кейинчалик тариқ ҳамда жўхори унидан қилинган зоғора нонлар истеъмолдан чикиб борди. Буғдой унидан нон тайёрлаш аҳхолига кўпроқ маъқул бўла бошлади. Ноннинг сифатли чиқиши хамирнинг ийланишига (қорилишига) ва хамиртуруш (ачитқи)нинг сифатига боғлиқ бўлган. Воҳа қўнғиротлари ачитқини – “хамиртуруш”, жуз, дўрмонлар – “кўптирма”, қатағон, турк ва ўшорлар “келдирма”, тожиклар эса “нони расида” деб номлаган ва у билан боғлиқ ирим-сиримларга ҳам амал қилинган. Жумладан, хамиртуруш устидан мушук сакраб кетса ёки қуёш нури тушса, нон “гуллаб” холади, деб тушунилган (ноннинг юзи доғ бўлган) ва, у навбатида, юқоридаги ҳолатлардан эҳтиёт қилинган. Хамиртурушни ивитиш пайтида эса, хамир қориладиган қорсан товок; (тол товохнинг каттаси, чуқур товоқ, лаган) гардишидан “эминг-диминг шу бўлсин”, деб уч марта айлантириб олишган. Хамирнинг ошишига қараб, хамир муштлаган аёлга баҳо берилган. “Кўнгли қора, қўли оғир аёлнинг хамири тезда кўпчимайди, кўнгли тоза, қўли енгил аёлнинг хамири тезда кўпчийди”, деган нақлга ишонишган. Хамир ҳар доим супрада ёйилиб, корсан (катта) товокда қорилган. Хамир қориб бўлгач, аёллар қўлини ювмасдан бошқа ишга берилмаган. Хамирдан зувалалар қилиш учун пичоқ ишлатилмай, қўл билан узилган. Гўё хамирни пичоқ билан кесса, кишининг насибаси ҳам кесилар эмиш. Шу ақидадан келиб чиқиб, нон ҳам фақат қўл билан синдирилган. Ҳомиладор аёл нон ёпганда тандир сувидан ичмаслиги, косов устидан ҳатлаб ўтмаслиги таъкидланган, акс ҳолда, фарзандининг юзи доғли (сепкилли) бўлади, деб ишонилган. Бешик тўйларида ҳам кулча қилиниб, бешик бошига қўйилган, боланинг соч тўйи ва кокил тўйларида кулчалар пиширилиб тарқатилган. Бундан ташқари, боланинг оёқ чиқариши билан боғлиқ маросим кулчаларини тайёрлаш ва тарқатиш одат тусига кирган. Келин - куёвга атаб пиширилган махсус ёғли кулчалар чимилдиқ дастурхонига ҳам қўйилган. Хусусан тожикларда “қиз

кўрди"да, келиннинг онаси бир дастурхон келин кулча қилиб юборилган, бу хилдаги кулчалар никох тўйида пиширилиб, куёв кулча деб номланган, Бундай кулчаларни қилишдан мақсад, келин-куёвнинг ризқли ва серфарзанд бўлишига ишора қилинган.

Халқимизнинг маросимлари шу қадар кўпки, бу маросимларда пиширилиб келаётган таомлар, уларнинг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалган десак, адашмаган бўламиз ва рус олимлари В.П.Аникин, Ю.Г.Круглов, Л.В.Покровскаялар ва ўзбек фольклоршуноси Б.Саримсоқов, М.Жўраев ўзининг мавсумий маросим фольклорига мавсумий маросим фольклорини тўрт гуруҳга бўлиб ўрганганидек, биз ҳам маросим таомларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишга ҳаракат қилдик.

Қишги маросим таомлари: Гап – гаштаклар кўпроқ ўтказилган. Йил бўйи тинмай меҳнат қилган халқимиз қиш фаслини осуда ва зерикарсиз ўтказиш мақсадида, ёши тенг бўлган, яъни ҳамтенг жўралар, дугоналар, ёру дўстлар йиғилишиб зиёфат ўтказишган.Бу зиёфат воҳанинг турли жойларида турлича айтилади: гап, гаштак, гурунг, ўтириш, улфатчилик. Бу зиёфат ҳар бир уй эгасининг розилиги билан уларнинг уйида навбат билан ташкил этилган. Дастурхон безаш ва таомга кетадиган махсулот учун ўртага пул ташланган. Бир киши бошчилик қилган. "Ҳисобли дўст айрилмас" нақлига амал қилишган ва турли хилдаги тансиқ таомлар пиширилган.

Баҳорги маросим таомлари: Шох мойлаш, лой тутиш (кўп жойларда ҳашар деб ҳам юритилган), Наврўз байрами, қозон тўлди, дарвешона, мучал билан боғлиқ бўлган маросимларда махсус таомлар: сумалак, ҳалим, ҳалиса, чучвара (тушбера,барак,майдаош)

Баҳор фасли турли-туман байрам ва маросимларга тўла палла ҳисобланиб, бу даврлардаги маросимларда ўзбекларнинг табиат билан боғлиқ қадимий фалсафий қарашлари ўзини яққол намоѐн этади, шу сабабли бундай урф-одат ва маросимлар доимо тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган. Шуниг учун кузатувлар натижасида баҳорги маросим "деҳқон ҳисоби" билан бошланиб, анъанага кўра баҳорги шудгор олдидан «ис чиқариш» маросими ўтказилганлиги аниқланган. "Ис" барча хонадон аёллари томонидан чиқарилган ва дала ишлаётганларга юборилган. Бу удум «ис» деб юритилган. Қозонда мой яхши қизитилиб, сўнгра унга кесилган хамир ташланган. Гўѐки, марҳумлар ана шу мой қизишини эшитиб, «ис» пиширилганда чиққан ҳиддан баҳраманд бўлар ва руҳлари шод бўлишиб, қариндош-уруғларига омад тилашар эмиш. "Деҳқон ҳисоби" ва у билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, А.Нарзиқулов, З.Исоқов, А.Аширов ва бошқа олимларнинг этнографик тадқиқотларида қимматли манба сифатида билдирилган. Шох мойлар маросими баҳорда қўш чиқариш билан боғлиқ бўлган. Деҳқонлар йил давомида экин-тикин мўл-ҳосил беришига умид қилиб биринчи қўш ҳайдайдиган ҳўкиз шохига зиғир мойи сурганлар. Маросимда деҳқончилик пири – бободеҳқондан мўл ҳосил бўлишини тилаб ният қилишган.

Баҳорги маросимлар аҳоли орасида зўр қизиқиш билан ўтказилиб, қишнинг совуқ кунларидан сўнг баҳорнинг яшиллик оламига бурканган илк кунларини ўзгача завқ ва шавқ билан кутиб олишади. Ҳар бир оила кўкликлардан (беданинг илк ниш урган баргларидан, қийчидан) турли хил пишириқлар ва тансиқ таомлар таёрлайди. Баҳорги маросимларни ўтказаётган ҳар бир оила эса ўз имкониятига қараб тансиқ таомлар (кўпинча палов), кўкат сомсалар, бўғирсоқлар тайѐрлаб, баҳорнинг севимли таоми сумалакни тайёрлашади.

Ёзги маросим таомлари: Чой момо маросими ўтказилиб, ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб кетиши ёз фаслида енгил овқатларга бўлган эҳтиёжни оширади. Шунинг учун ёзда ўтказиладиган маросимларда енгил ва тез хазм

бўладиган, ёғсиз овқатлар: шўрва (нўхат шўрва, ловияли шўрва, уноши) пиширилган.

Кузги маросим таомлари: Шамол чақириш маросими ўтказилган ва аҳолининг асосий юмуши етиштирилган ҳосилни йиғиб, териб олишдан иборат бўлган. Қовун сайли, ҳосил байрамлари кенг нишонланиб, пишириладиган таомлар асосан донли экинлардан тайёрланган. Палов, шавла, қайиш (лўбло қайиш), гўжа таоми.

Эътиборли томони шундаки, мавсумий маросим таомлари кўпинча инсоннинг биологик эҳтиёжини қондириш мақсадида эмас, балки бало – қазолардан асровчи озиқ – овқат ёки маросимий қурбонлик сифатида истеъмол қилинган. Маросим таомлари нафақат оилавий маросимлар – бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тантаналари ва мотам маросимларида, балки Биби Сешанба, мушкулкушод, ашурлик, мавлудхонлик каби аёллар иштирокида ўтказиладиган махсус диний маросимлар тайёрланган. Шунингдек, Рамазон ва қурбон ҳайитларида, Наврўз ва сумалак сайлида, оммавий халқ сайиллари (ҳосил байрами, пахта байрами) да – палов, шўрва, чучвара, шавла, ҳолвайтар, ҳалим, сумалак, атала каби ўнлаб махсус маросимий таомлар тайёрлаш анъанаси анъанаси давом этган. Бу маросим таомларини пишириш ва биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувига, айрим ҳолларда таомнинг ўзи дўстлик ёки қариндошлик ришталари шаклланишига сабаб бўлган. Яна шуни қайд этиш керакки, маросим таомлари одамларни бирлаштирибгина қолмай баъзан уларни ажратишга ҳам сабаб бўлган. Бундай маросим таомлари ижтимоий вазифасини бажариш билан бирга ижтимоий табақаланиш каби қарама – қарши амални ҳам бажарган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Аширов: Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистан Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. - Б.73

2. Курбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек а тожикларининг анъанавий таомларн (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тарих фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. (Қулёзма ҳуқуқн). -Тошкент, 1994, 73-79-бетлар.

3. М.Жўраев: Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Т.: “Фан” нашриёти.2008. –Б. 16

4. М.Жўраенв. Л.Худойқулова: Маросимнома.//.Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона нашриёти.Т.:2008. – Б. – 6.

5. Охунжон Сафаров, Мелс Махмудов. Оила маънавияти. – Б. – 127

6. Дала тадқиқоти материаллари